



TURKISTAN
janubiy.kz

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 7 октябрь, сешанба, №107 (3608).



КУН РАҚАМИ

2030 йилгача мамакатимизда энергетика соҳасида амалга ошириладиган олти йирик лойиҳанинг қиймати 15 миллиард доллардан ошади.

ЯНГИ АВЛОД САЛОҲИЯТИ – ИННОВАЦИЯЛАР МАРКАЗИДА

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев ва Венгрия Республикаси Президенти Тамаш Шуйок “Alem.AI” халқаро сунъий идрок марказига ташриф буюрдилар.



Инновация маркази мамлакатда илгор рақамли технологияларни ривожлантириш, ёшлар салоҳиятини юзага чиқариш ва сунъий идрок ҳамда ахборот технологиялари соҳасида истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Марказнинг бош мақсади – Қозоғистоннинг рақамли иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишди.

Президентлар лойиҳанинг асосий йўналишлари билан танишар экан, “Alem.AI” хорижий экспертлар учун ҳам илмий ва амалиёт майдонига айланаётгани таъкидланди.

Бу илгор лойиҳа фан, саноат, ижодий индустрия ва давлат хизматлари

соҳаларида сунъий идрок технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Шу орқали миллий AI-экзитизмни яратиш, сармоялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга кенг имконият яратилади.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, “Alem.AI” маркази фаолияти натижасида 2029 йилга қадар Қозоғистоннинг сунъий идрок соҳасидаги экспорт салоҳияти 5 миллиард долларга етиши кўзланмоқда. Шу билан бирга, ҳар йили 10 мингдан зиёд иқтидорли ёшлар лойиҳаларга жалб этилади, мингга яқин мутахассис тайёрланади ва юзга яқин лойиҳалар фаолияти йўлга қўйилади.

Марказ таркибида “Tomorrow School” сунъий идрок мактаби, “TUMO” ижодий технологиялар маркази, илмий лабораториялар ҳамда “AI-driven Government” инновация технологиялари маркази давлат бошқаруви учун рақамли ечимлар майдони фаолият юритади.

Давлат раҳбари сунъий идрок бўйича Пекин шаҳрида ўтган халқаро олимпиада ғолиблари – қозоғистонлик ўқувчилар билан ҳам мулоқотда бўлди. Ёш иқтидорлар мусобақада 3та олтин, 1та кумуш ва 3та бронза медалини қўлга киритиб, жаҳон рейтингда 4-ўринни эгалладилар.

Жаҳон чемпионларига – халқ эҳтироми

Kazinform. Туркистон спортчилари янги зафарларга эришмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят спортчилари мамлакат чемпионатларида 1060та, Осиё миқёсидаги мусобақаларда 109та, жаҳон чемпионатларида эса 79та медални қўлга киритди.

Бекзат Саттарханов номидаги спорт мажмуасида ўтган тантанали маросимда шу каби ютуқларга эришган бир гуруҳ спортчиларни Туркистон вилояти ҳокими Нуралихан Кўшев самимий табриклади ва эсдалик совғаларини топширди.

– Сизларни эркин кураш ва армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатидаги тарихий ғалабанинг билан чин дилдан табриклайман! Бу ютуқлар меҳнат, сабр ва ироданинг натижасидир. Туркистон ёшларининг дунё саҳнасида мамлакат байроғини сарбаланд этгани биз учун юксак ифтихор, – деди ҳоким.

Мамлакат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Туркистон вилоятида ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, ёш истеъдодлар қўллаб-қувватланмоқда.

Шу маросимда Хорватияда ўтган жаҳон чемпионатида

бронза медалини қўлга киритган Асилжан Есенгелдига янги автомашина қалити топширилди. Шунингдек, армрестлинг бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони бўлган Санжар Зарубек, Нурдаулет Айдархан ва Ердаулет Мухаммедов ҳам янги “темир тулпар”лар соҳиби бўлдилар.

Армрестлинг жамоасига эса 10 миллион тенге миқдоридида



сертификат тақдим этилди. Тадбирда 24 нафар спортчи ва мураббийларга фахрий ёрликлар топширилди.

Ҳозир вилоятда эркин, юнорум ва хотин-қизлар кураши йўналишларида 5500 нафардан зиёд спортчи мунтазам шуғулланмоқда. Уларни 260 нафар мураббий мусобақаларга тайёрламоқда.

Бу натижалар Туркистон спортининг юксак салоҳияти, ёшларнинг матонати ва Ватанга садоқати намунасидир.



Байрамга марҳабо!

АЗИС ҲАМЮРТЛАР!

Мустақил мамлакатимиз тарихида 2025 йил эзгу хотиралар ва бой тадбирлари билан ёдда қоладиган давр бўлади. Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги, улуғ оқин Абай таваллудининг 180 йиллиги, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 ва ҚР «Дўстлик» ҳамжамиятининг 30 йиллиги ва яна қатор тадбирлар халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

ҚХАнинг 30 йиллиги муносабати билан Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси 2025 йил 11 октябрь кун
соат 10:00да ўтадиган “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кун” байрамига
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Манзил: Туркистон шаҳри, “Дўстлик уйи”.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

»» 7 октябрь – Халқаро пахта кун

ПАХТАГА КОНДИР, ОНА ТУРКИСТОН

Пахта – табиатнинг бебаҳо неъматини, инсон тафаккури ва меҳнатининг тисоли. Ундан нафақат кийим-кечак, балки саноат, тиббиёт ва қурилиш соҳалари учун зарур бўлган юзлаб маҳсулотлар олинади. Ёзанинг баргидан тортиб чигитигача, чаноғидан поясигача – барчаси ишлаб чиқариш жараёнида ўз ўрнига эга. Бу ўсимлик гўё табиат инсон учун яратган тўлиқ неъмат каби – ундан чиқит қолмайди, ҳар бир қисми фойдали.

Пахта аҳолини меҳнат билан таъминлайди. У орқали юртимизга валюта тушуми келади, минглаб оилаларнинг тирикчилиги йўлга қўйилади. Шу билан бирга, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, автомобилсозлик, қоғоз ишлаб чиқариш, тиббиёт ва қурилиш каби соҳаларнинг ривожига ҳам пахтачиларнинг хиссаси беқиёс.

Бу экиннинг тарихи қадимга бориб тақалади. Илмий манбаларга кўра, Ўрта Осиё заминидида пахта етиштириш эраиздан аввалги IV асрадэк маълум бўлган. XIX асрнинг 60-70-йилларидан эса пахтачилик саноат миқёсида ривожлана бошлади. Ана шу даврдан эътиборан, пахта деҳқоннинг ҳаётида



меҳнат, сабр ва бараканинг рамзига айланди.

Бугун Қозоғистон пахтаси дунё бозорларида тобора катта эътибор қозонмоқда. Бунинг замирида давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётган ислохотлар, илмий тадқиқотлар, замонавий агротехнологиялар ҳамда деҳқонларимизнинг тиришқоқ меҳнати ётади. Замон билан ҳамқадам қадам ташлаётган пахтачилик соҳаси мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаб, қишлоқ жойларда ижтимоий барқарорлик ва фаровонликни таъминламоқда.

Пахта – меҳнат маданиятининг ифодаси, моддий бойлиқнинг асоси ва халқнинг ютуқларини жаҳонга намойиш этувчи рамздир. Қўлида оппоқ

пахта, қалбада меҳр билан ерга уруғ қадаётган деҳқон меҳнати – халқнинг келажакка ишончи, тарақиётнинг асосидир.

Маълумотларга кўра, бир тонна пахта бир йилда ўртача 5 кишини иш ўрни билан таъминлайди. Қуруқ иқлим шароитларида ҳам етиштирилаётган пахта дунё аҳли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжнинг 27 фоизини қоплайди. Ундан ёғ олинади, чигитидан чорва молларини озиқлантиришда фойдаланилади. Ҳозирда эса пахтадан инновацион маҳсулотлар яратишда кенг фойдаланилмоқда.

Ушбу сана муносабати билан юртимизда Халқаро пахта кунига бағишланган тадбирлар ташкил этилади. Ямарка ва кўргазмаларда пахтадан олинган маҳсулотлар намойиш қилинади. Илмий-амалий анжуманда олимлар ва мутахассислар ўз маърузаларини тақдим этади. Шунингдек, инновацион ва амалий лойиҳаларнинг тақдимотлари ўтказилади.

(Давоми 2-бетда.)



ЭҲТИРОМ. ЭЪТИРОФ. ЭЪТИБОР

Kazinform. Туркистон шаҳрида “Ўқитувчилар куни” байрами муносабати билан “Муаллим – миллат зиёси!” шиори остида тантанали тадбир ўтди. Унда таълим соҳаси фидойилари иштирок этди. Тадбирда Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеров сўзга чиқиб, таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган барча устоз-мураббийларни касбий байрам билан самимий муборакбод этди.

– Барчангизни Ўқитувчилар куни билан чин дилдан табриклайман. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев “Муаллимлик – инсонни тарбиялайдиган энг масъулиятли касб. Биз устозларнинг ижтимоий шароитини яхшилашни изчил давом эттирамиз”, деган эди. Бу сўзлар сизнинг меҳнатингизга берилган энг юксак баҳо. Вилоятимизда 83 мингдан зиёд муаллимлар ёш авлодга билим ва тарбия бериб, фидокорона меҳнат қилмоқда, – деди вилоят раҳбари.

Ўз фанини эмас, замонавий технологияларни ҳам пухта ўзлаштириши, ўқувчилар билан янги услубда ишлай олиши лозим. Шу мақсадда вилоятимизда педагогларнинг малакасини ошириш, янги услубиятларни жорий этиш ва рақамли захиралардан фойдаланиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сизнинг меҳнатингиз ва касбга садоқатингиз – мамлакат келажagini белгилайдиган бебаҳо бойликдир, – деди Нуралхан Кўшеров.

дан бири – Қазигурт туманидаги Қаляубек Турсунқулов номидаги мактаб-гимназиянинг информатика ва робототехника ўқитувчиси Ўразхан Бексултанни фахрий ёрлик ҳамда 1 миллион тенге қийматидаги сертификат билан тақдирлади. Унинг шоғирдлари халқаро мусобақаларда Қозогистон шарофини муносиб ҳимоя қилмоқда. Шу билан бирга, Сўзоқ туманидаги “Қайрат” болалар боғчаси мудираси Нуржамал Тўлеуова ва Кентов кўп тармоқли коллежи ўқитувчиси Дилором Анорбоева ҳам мукофотга сазовор бўлди.

Тадбирда Маориф вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг махсус мукофотлари, шу жумладан, “Меҳнат фахрийси”, И. Алтинсарин кўрак нишони, “Таълим соҳасининг фахрий ходими” унвонлари ва ташақкурномалар топширилди.

Шунингдек, байрамона дастур дои-



Унинг таъкидлашича, Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган “1000 етакчи” лойиҳаси доирасида вилоятдан 600 нафарга яқин ўқитувчи танлаб олинган, уларнинг 46 нафари таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимига тайинланган. Шунингдек, “Daryn Teacher” халқаро дастури орқали 25 нафар устоз Малайзия, Сингапур, Финляндия ва Эстонияда тажриба алмашиди.

– Ҳозирги замон ўқитувчиси фақат

Тантанали тадбирда фан олимпиадалари ва билим танловлари ғолибларини тайёрлаган бир гуруҳ устоз-мураббийлар фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Улар орасида тажрибали устозлар Алия Сейсенбаева ва Сауле Ешманова қабилар ҳам бор. Шунингдек, таълимда янги ғоя ва ишланмаларни амалга оширган уч нафар ўқитувчи ҳақда видеолавҳа намойиш этилди.

Вилоят ҳокими илғор муаллимлар-

расида маҳаллий санъаткорлар, иқтидорли болалар ва ўқувчилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон вилоятида 83 мингдан зиёд ўқитувчилар самарали меҳнат қилмоқда. 2025 йилда таълим соҳасига ажратилган бюджет маблағи 13 фоизга ошди. Вилоятда “Келажак мактаблари” миллий дастури доирасида 29та замонавий таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

ТУРКИСТОНДА ЯНА ЯРМАРКА

Kazinform. Туркистон шаҳрида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг навбатдаги ярмаркаси ўтди. Тадбирда шахар аҳолисига сифатли ва арзон маҳсулотлар кенг миқёсда таклиф этилди.

Ярмаркада “Туркистон” ижтимоий-корпоратив корхонаси ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини сотувга чиқаришди. Товуқ гўшти, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавот, мевалар, картошка, пиёз, карам каби кундалик эҳтиёж маҳсулотлари бозордаги нархдан 30-50 фоизга арзон нархларда сотувга чиқарилди.

– Бундай ярмаркалар халқнинг турмуш даражасини кўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўз маҳсулотини истеъмолчига бевосита етказиб бериш имконини яратади, – деди “Туркистон” ижтимоий-корпоратив корхонаси Бошқаруви раиси Бекжан Бисенбаев.



– Бундай тадбирлар шаҳарнинг турли шўъбаларида навбатма-навбат ўтказилади, келгуси ярмарка 10 октябрь куни “Ясси” шўъбасида ташкил этилади.

Фуқаролар учун яратилган савдо майдони аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлаб, маҳаллий

тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш ва ички бозорда рақобат муҳитини кучайтиришга ҳисса қўшди.

Бу каби ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар аҳоли фаровонлигини ошириш баробарида иқтисодий тараққиёт йўлидаги амалий қадамдир.

ПАХТАГА КОНДИР, ОНА ТУРКИСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПАХТАЧИЛИК МУАММОЛАРИ ҲУКУМАТДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бош вазир ўринбосари Серик Жумангарин раислигида Туркистон вилояти ҳокимлиги, пахтакорлари, давлат идоралари, “Байтерек” холдинги, миллий компаниялар раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда пахтачиликни ривожлантириш истикболлари ва уни кўллаб-қувватлаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Мамлакатнинг пахта етиштириладиган ягона минтақаси Туркистон вилоятидир. 70 мингга яқин деҳқон ушбу соҳада меҳнат қилади. 2022 йилда 362 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, жорий йилда 300 минг тоннага яқин ҳосил олиш тахмин қилинмоқда. Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан оммавий йиғим-терим мавсуми бошланди.

– Ўтган йилдан буён соҳа салбий таъсири омилилар таъсирида қолди. Бу экспортга пахта етказиб бериш бўйича аввалги логистика занжирларининг муваффақиятсизлиги, чет эллик харидорлар томонидан ушбу хомашёга талаб ва биржада нархнинг пастлиги, – деди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўринбосари Ермек Кенжеханули йиғилишда.

Туркистон вилоят ҳокимлиги пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб қўқди. Тўлиқ амалга оширилса, вилоятда 75та завод, корхона ва фабрикалар барпо этиш ҳисобига 9та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилади. Қўтилаётган самара 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари ва йилига 26,2 миллиард тенге даромад олинади.

Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун сармоявий субсидиялар талаб қилинади. Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Global Textile компанияси билан тўқимачилик кластерини яратиш бўйича қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Корхона вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

Шунингдек, маҳаллий тўқимачилик корхоналарини кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимлик томонидан давлат харидлари доирасида маҳаллий маҳсулотларни сотиб олиш улушини 70 фоизгача ошириш таклифи киритилган. Шу тариқа мудодофа, таълим, тиббиёт, темир йўл ва бошқа тармоқларнинг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабларини маҳаллий маҳсулотлар билан қондириш мумкин.



Шунингдек, пахта саноатини ҳар томонлама ривожлантириш учун тўқимачилик ва тикувчилик саноати билан бир қаторда маҳаллий уруғчиликни ҳам ривожлантириш зарур. Маҳаллий уруғчилик хўжаликлари пахтакорлар эҳтиёжининг атиги 55 фоизини таъминлайди.

Бундан ташқари, товар ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий ишлаб чиқарилган уруғлик билан тўлиқ таъминлаш мақсадида вилоятдаги қишлоқ хўжалиги соҳаси илмий муассасаларини давлат тасарруфига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўринбосари маълум қилганидек, пахтачилик соҳасининг муаммолари масалалари барча манфаатдор томонлар иштирокида турли мулоқот майдончаларида бир неча бор муҳокама қилинди. Асосий субсидиялар (минерал ўғитлар, гербицидлар, уруғлик, имтиёзли насия захиралари ва бошқалар) билан бир қаторда, соҳани кўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Туркиялик йирик тўқимачилик саноати ишлаб чиқарувчилари билан олиб борилган музокаралар натижаларига кўра, минг тонна элита уруғини етказиб бериш юзасидан келишувга эришилган, бироқ деҳқонлар уларни тўлиқ харид қилмаган. Мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган хусусиятларга эга гўза навларини яратиш учун туркиялик селекциячилар билан биргаликда 37 навли гўза экилди. Бундан ташқари, субсидиялар бериш қоидаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди, – деди вазир ўринбосари.

Шунингдек, пахта чигитларини субсидиялаш андазаларини ошириш масаласи ҳам қарор қабул қилиш босқичида турибди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда элита гўза уруғлари андазаларини амалдаги 300 минг тенгедан 653,1 минг тенгегача ошириш кўзда тутилган, бу хориждан олиб келинаётган сифатли уруғлар қийматининг 70 фоизини ташкил этади.

Йиғилиш якунлари бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига пахта уруғчилигини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчиликни ривожлантириш мажмуавий режасига киритиш топширилди. Хусусан, маҳаллий уруғлик етиштириш учун субсидияларни 80 фоизга ошириш, Туркиядаги каби уруғлик сифати андазасини ишлаб чиқиш. Келгусида фаолияти белгиланган меъёрларга жавоб берадиган деҳқон хўжаликлари давлат томонидан кўллаб-қувватланади. Туркистон вилояти ҳокимлигига пахтачиликни ривожлантириш ва пахта кластерини кўллаб-қувватлаш борасида ҳудудий дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Саноат вазирлиги бошқа мутасадди давлат идоралари билан ҳамкорликда уларнинг харидларида қозогистон улушини ошириш устида иш олиб боради.

Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш ва ердаги намликни сақлаб қолиш учун кўлланилаётган лазерли тупроқ текислагичлар яхши самара бермоқда. Шу боис энди деҳқонлар бу техникани харид қилишда давлат томонидан ажратиладиган ёрдам миқдори кўпроқ бўлиши режалаштирилмоқда.

Аграр соҳаси асосий даромад манбаи бўлган Жетисай туманида бугунги кунда пахта терими қизгин давом этмоқда. Эрта баҳордан далаalarda меҳнат қилиб, “Оқ олтин”ни авайлаб парвариш қилган деҳқонлар учун ҳар бир кун ва соат қимматли.

Туман ҳокими Серик Мамитов иш режасига мувофиқ, пахта дала-ларида бўлиб, тонгдан шомгача бел боғлаб меҳнат қилаётган пахтакорлар билан суҳбатлашди ҳамда терим жараёнини кўздан кечирди.

Жорий йилда тумanning 79,3 минг гектар суғориладиган ерларидан 43,1 минг гектариди маҳаллий, шунингдек, Туркия ва Хитойдан олиб келинган оқ экилган. Ҳозирга қадар 41,9 минг гектар майдондан 106 525 тонна “оқ олтин” йиғиб олинди. Терим мавсумига 715та трактор, 897та тиркама ва 239та пахта териш машиналари жалб этилган.

Ўтган йили 41 минг гектар ерга чигит экиб, 112 750 тонна пахта ҳосили олган жетисайлик деҳқонлар бу йил 119,3 минг тонна маҳсулот йиғишни мақсад қилган.

Шунингдек, жорий йилги кузги дала ишлари учун ажратилган 1933,8 тонна имтиёзли дизель ёқилгисига тумanning барча хўжаликлари томонидан 100 фоиз ариза топширилган.

А. АБДУФАТТОҲ.

»» Кентов шаҳрига — 70 йил



70 йил муқаддам Қозоғистон харитасида Мирғалимсай кончилик қасабаси ўрнида янги шаҳар қад ростлади. У Кентов деб номланди.

Ўтган йилнинг кузида Қозоғистонда моношаҳарлар рўйхатиға киритилган ўзгаришлар тасдиқланди. Давлат тараққиёт дастурларида иштирок этиш ҳуқуқини 27 шаҳардан 20таси сақлаб қолди. Улар орасида Кентов ҳам рўйхатда қолди.

— Кентовни моношаҳар-

ЎТМИШИ ШОНЛИ, БУГУНИ БАРҚАРОР, КЕЛАЖАГИ ЁРҚИН ШАҲАР

шу орқали амалиётчи эканлиги дарҳол аниқланади.

Масалан, Қазибек Байғазиев ва Ильяр Айдинов коллеж талабалари сифатида цехда амалиёт ўтмоқда.

— Заводда ишлаш жуда ёқади, — дейди Ильяр Айдинов. — Устозлар маслаҳатини аямайди, яхши жамоада ишлаш осон.

Кентов шаҳрида олти коллеж фаолият юритади ва ҳар йили юзлаб мутахассислар тайёрланади. Уларнинг кўпчилиги иш билан таъминланади, агар битирувчилар учун Кентовда имконият бўлмаса, Туркистон шаҳридан иш излашга интилади.

Вилоят марказининг кў-



ташаббус асосида кўплаб кафе, фотостудиялар, фитнес заллари, гўзаллик салонлари ва кичик цехлар очилди, аҳолига иш ўринлари ва даромад топиш имкони яратилди.

Ҳозир шаҳар раҳбарияти яна бир индустриал минтақа ташкил этиш устида ишламоқда. Бу тадбиркорларга ўз бизнесини йўлга қўйиш имконини беради. Тадбиркорлар учун электр энергияси тарифи 25 тенге/кВт·соат этиб белгиланган. Бу ҳуқуқий шахслар учун амалдаги тарифдан қарийб икки баравар арзон.

— Кентов — давлат ёрдамиға муҳтож (дотацияли) шаҳар, — дейди Жандўс Тасов. — Шаҳарнинг ўз даромади 3 миллиард тенге, йиллик бюджет эса 17 миллиард тенге. Яқин келажақда ўзимиз ҳаёт учун етарли даромад топа олмаймиз, лекин шу мақсадда ҳаракат қилмоқдамиз. Моношаҳар мақоми инфратузилма

ратузилма лойиҳаси амалға оширилмоқда — «ККС» компанияси томонидан 2027 йилға қадар 240 МВт қувватға эға бўлган газ-турбинали усқуна барпо этилади. У ишға туширилғач, электр энергиясининг бир қисми кўшни ҳудудларға берилади, бир қисми эса Кентов саноатига хизмат қилади.

Кентов шаҳрини барпо этиш 1955 йили бошланган ва шундан буён шаҳар инфратузилмасини таъмирлашға маблағ деярли ажратилмаган.

Шаҳарда жами 367 кўп қаватли уй бор, шундан 320тасида тубдан таъмирлаш ишлари якунланган.

Давлатдан уй олиш учун жами беш мингдан зиёд фуқаро рўйхатға олинган. Янги уйлар қурилиши мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Шанба куни шаҳарнинг 70 йиллигига бағишланган концерт ўтди. Байрам тадбириға



муаммоларини ҳал қилиш ва шаҳар имкониятларини яхшилашға ёрдам беради. Сармоядорлар ҳам шаҳримизға кўпроқ қизиқади.

Ўтган йилги қиш Кентов учун совуқ ва муаммоли бўлди. 30 даража совуқда маҳаллий ТЭЦ ишдан чиқди, иситиш батареялари музлаб қолди. Сабаби — эскирган

15 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев ҳамда Кентов шаҳар ҳокими Жандўс Тасов иштирок этиб, шаҳар аҳли ва меҳмонларни қўтлади. Улар Кентовнинг босиб ўтган ўтган тарихий йўли, бугунги тараққиёти ва истиқболли режалари ҳақида гапирдилар.

Кечани машҳур тележурналистлар Марат Ўралғазин ва Еркебулан Мирзабек олиб борди. Саҳнада мамлакатнинг таниқли эстрада юлдузлари — Садратдин, Турар Идрис ва бошқалар кентовликларға кўтаринки руҳ бағишладилар. Шунингдек, маҳаллий санъаткорлар рақс ва қўшиқлар билан байрам кайфиятини янада юксалтирдилар.

Концертнинг якунида “Кентовим — кўркам шаҳрим!” қўшиғи янгради.

Ҳар бир кун — янгиланиш ва юксалиш сари ташланган қадам. Кентов шаҳри ҳам шу йўлда, ишонч ва меҳнат, орзу ва интилиш билан тараққиёт сари одимламоқда. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсондан фидойилик ва сергакликни талаб этгани каби, шаҳар тақдири ҳам фақат меҳнатсевар ва юртпарвар авлодлар қўлида равнақ топади. Шу боис, Кентовнинг келажағи ҳам унинг меҳнаткаш халқи каби ёрқин ва умидбахшдир.

А. АБДУФАТТОХ.

АНИҚ ТОПШИРИҚЛАР ЮКЛАНДИ

Қазигурт тумани ҳокими Азизхан Исмаилов раислигида ўтган девон йиғилишида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётиға оид қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда ҳоким ўринбосарлари, соҳа мутасаддилари ва қишлоқ ҳокимлари иштирок этди.

Кун тартибидеа кузги ҳарбий хизматға чақиріқ тадбирлари, ўтган 8-9 ойдағи рейтинг кўрсаткичлари, аҳолини табиий газға улаш ва «Тоға Қозоғистон» дастурининг ижроси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидеағи дастлабки масала юзасидан туман мудоғаа ишлари бошқармаси бошлиғи Бағлан Азреталиули ҳисобот берди. Навбатдағи ма-

сала юзасидан тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиғи бўлимининг раҳбари Нурбай Қурақули, бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимининг раҳбари Дархан Нурланули, иқтисодиёт ва молия бўлими раҳбари Мурат Байдуллаулининг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокама қилинган масалалар атроғлича таҳлил қилиниб, мутасадди раҳбарларға аниқ топшириқлар берилди.

Қазигурт тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Хотира — муқаддас

ЭЛ ЭҲТИРОМИНИ ҚОЗОНГАН ОТАХОН ЭДИ


Элнинг ҳурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган меҳнат фахрийси, таниқли устоз, Турсунхўжа Хонхўжаев жорий йил 2 октябрь куни оламдан ўтди.

Турсунхўжа Хонхўжа ўғли 1933 йил 9 майда Сайрам қишлоғида туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб, турли йилларда Сайрам қишлоғидағи М. Маметова, Ф. Энгельс, Калинин номи мактабларда илмий мудир ва директор лавозимларида хизмат қилган.

Отахон миллий урф-одаат, анъана ва қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган. Сайрам, Шимкент, Туркистон шаҳарларида ўтган Халқаро аския ва кулги фестивалларида иштирок этиб, ушбу ноёб санъат турининг оммалашувиға самарали ҳисса қўшди.

Турсунхўжа Хонхўжа ўғли “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг жонкуяри, тарғиботчиси эди. Унинг маҳаллий нашрларда эълон қилинган долзарб мавзулардағи мақолалари кўплаб мухлислар эътиборини қозонган. Унинг икки жилдлик “Кўрганларим. Билганларим. Эшитганларим” эсдаликлар китоби зиёли авлод учун қимматли манба сифатида хизмат қилмоқда.

У умр йўлдоши Озодахон ая (Аллоҳ раҳматиға олсин!) билан тўққиз фарзандни — жамиятға муносиб авлод сифатида тарбиялаб, вояға етказишган.



Т. Хонхўжаев “Меҳнат фахрийси”, “Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 65, 70, 75 йиллиғи” медаллари, “Жамоат фахрийси”, “Жамоат фидойиси” кўкрак нишонлари, кўплаб фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланган. У Сайрам қишлоғининг фахрий фуқароси эди.

Ушбу оғир дамларда Турсунхўжа отанинг яқинлари, фарзандлари ва қариндошуруғларига ҳамдардик билдириб, чуқур таъзия изҳор этамиз. Отахоннинг охирати обод, жойлари жаннатда бўлсин!

**Рўзакул ХОЛМУРОДОВ,
Эрназар РУЗИМАТОВ,
Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Эркин АБДУНАҚИБОВ,
Фахриддин ҚОРАТОВ,
Ҳамрокул ДАВРОНБЕКОВ,
Райимжон АЛИБОВ,
Абдурахим ПРАТОВ,
Суннатилла АҚРОМОВ,
Турсунжон ХОЛМУРОДОВ,
Абубақир ХОНХУЖАЕВ,
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Зокиржон МУМИНЖОНОВ...**

»» Ҳидоят сари

ҚОРАЧИҚДАГИ ЖОМЕ МАСЖИДИ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Туркистон шаҳриға энг яқин жойлашган Қорачиқ қишлоғи марказидағи тошйўл бўйида қурилиши бошланган жоме масжиди деворлари кўпчилик ҳиммати — ҳашар йўли билан пишиқ гиштдан тикланди. Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг суюкли невараси Сузук отанинг киндик қони томган қирқ қопқали Қорачиқ қишлоғи турғунлари, ҳимматли ҳамюртларимиз, тадбиркор муштарийларимизға мурожаат этиб, савоби мўл ишға моддий кўмак кўрсатишлари, масжид қурилишиға ёрдам беришларини сўраймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Қорачиқдағи жоме масжиди қурилиши.

Муаллиф тасвири.

МҲРАГЕРЛІК АШЫЛДЫ

Қайтыс болу туралы анықтама негізінде (қайтыс болу туралы актілерді тіркеу кітабында 2025 жылы 3 қазан № 3032 санымен тіркелді, 26.09. 2025 жылы қайтыс болды) Махмудов Азимхан Арипжановичтің дүние-мүлкіне Шымкент қаласы, Қалдаяқов көшесі, 8 н/п 7 ғимаратында орналасқан нотариус Ирисметов Дияр Бахтияровичта мұрагерлік ашылғанын хабарлаймыз. Тел.: +7776223 6450



риш жараёнида эскирган ишлаб чиқариш базасидан халос бўлиб, Ғарбининг етакчи компанияларидан олинган замонавий юқори технологияли усқуналарға муваффақиятли ўтди. Махсулотларға қатаб катта.

Трансформатор заводи асосида политехника коллежи ташкил қилинди, талабалар ишлаб чиқариш цехларида дуал таълим олишади. Улар учун махсус яшил рангли иш кийими ҳам берилган,

мара берди. Ўтган йили кузда Кентов расман фавқулодда экологик вазиятдағи ҳудуд деб эътироф этилди.

Аҳоли сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда шаҳарда 74 минг киши истиқомат қилади, беш йил муқаддам эса бу кўрсаткич 70 мингға етмасди. Яна 26 минг киши Кентовға яқин тўртта қишлоқда истиқомат қилади.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик ва хизматлар соҳаси ҳам ривожланмоқда. Хусусий

инфратузилма. ТЭЦ-5 ярим аср давомида таъмирланмаган эди.

Давлат раҳбари топшириғиға мувофиқ ТЭЦ-7, 8, 9, 10, 11, 12 қозонлари тубдан таъмирланди. Иситиш манбаларини замонавийлаштириш учун Ҳукуматнинг захира жамғармасидан 12,8 миллиард тенге ажратилди. Маблағ дарҳақиқат улкан — 12,8 млрд тенге.

Бундан ташқари, ТЭЦ ҳудудида яна бир йирик инф-

